ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА “ҲУРМАТ” СЕМАНТИК МАЙДОНИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВЕРБАЛ ВА НОВЕРБАЛ ВОСИТАЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

А.И.Маткаримова

Мақола тилда мавжуд гонорефик бирликларнинг лингвокультурологик хусусиятларини очиб беришга бағишланган. Муаммонинг ечимини топиш мобайнида тилдаги турли гонорефик бирликлар ва уларнинг тилда намоён бўлиши аниқ мисоллар билан ёритиб берилади.

Калит сўзлар: *ҳурмат шакли, семантик майдон, лингвокультурология, миллий-маданий хусусият, лисоний восита, нолисоний восита.*

Материал освещает лингвокультурологические особенности гонорефических единиц языка. При раскрытии этой проблемы установлены типы различных гонорефических единиц и на конкретных примерах выявлены разные оттенки значений в их коммуникативно-прагматическом использовании.

Ключевые слова: *форма уважения, семантическое поле, лингвокультурология, национально-культурные особенности, языковые средства, неязыковые средства.*

This article is devoted to the linguo-cultural features of honorific speech patterns. While investigating the problem of different types of honorific elements of language have been revealed and illustrated by concrete examples to show this or that shade of meanings in the communicative-pragmatic use.

Key words: *form of respect, semantic field, linguo-culturalstudies, linguo-cultural features, language (verbal) means, paralinguistic (non-verbal) means.*

А.Маткаримова *– АДУ инглиз тили грамматикаси ва тил амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси.*

Кейинги йилларда тилшуносликда семантикага эътиборнинг кучайиши семантика таркибидан яна айрим тилшунослик соҳаларининг, хусусан, прагматик семантиканинг ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда прагматика ўзининг алоҳида таҳлил предмети, объекти ва ўзига хос муаммолари билан тилшунослар диққатини тортмоқда. Прагматиканинг ана шундай ўрганиш объектларидан бири маълум бир тилда мавжуд бўлган нутқий одатлардир.

Жаҳон тилшуносларининг эътибори ўзаро мулоқот, турли халқлар учун хос бўлган нутқий алоқа билан боғлиқ муаммоларга, коммуникациянинг миллий-маданий белгиларини алоҳида ўрганишга жиддий қаратилмоқда. Бундай эътибор ва қизиқиш натижаси ўлароқ, нутқий одат, унинг бирликлари, нутқий одат вазиятлари билан алоқадор бўлган масалалар хусусида кўпчилик тилшунос олимларнинг тадқиқотлари юзага келди [2].

Жумладан, В.М.Алпатов, В.В.Виноградов, А.Р.Сайфуллаев, В.В.Бабайцева, Н.Д.Арутюнова, В.Н.Головин, Л.П.Крысин, Ю.Д.Дешериев, Л.Ю.Максимов, Н.Н.Формановская, А.Г.Гаджиева, В.В.Колесов сингари қатор тилшунослар нутқий одатларга хос бўлган мулоқотнинг миллий белгиларини рус, инглиз, хитой, корейс, ўзбек ва бошқа халқлар билан қиёсий жиҳатдан ўргандилар. Бундай изланишлар С.Р.Раҳимов, А.Нурмонов, Д.У.Ашурова, М.И.Расулова, М.А.Асқарова, А.Ш.Собиров, С.Мўминов, Ш.М.Искандарова, Ҳ.Ҳожиева, З.Акбарова каби ўзбек тилшунослари томонидан ҳам нутқий алоқа билан боғлиқ қатор масалалар тадқиқ этилди ва этилмоқда.

Мурожаатнинг диалогик нутқ билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий моҳияти ҳақида Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевларнинг “Адабий тил ва бадиий стиль” номли ишида сўз юритилган бўлса, Ш.Искандарова, С.Мўминовларнинг илмий тадқиқотларида мурожаат шакли, мулоқот одоби ва барқарор нутқ одатлари бўйича таҳлил қилинади. Ҳ.Ҳожиева эса ҳурмат маъносини ифодаловчи воситаларни яхлит майдон сифатида ўрганиб, мазкур воситаларнинг ўзаро маънодошлиги билан бирга кўп маънолилиги, тежамкорликка муносабатини ҳам аниқлади.

Шу каби қатор илмий ишларни ўрганиш орқали биз ҳам мазкур мақолада “Ҳурмат” семантик майдонининг лингвокультурологик жиҳатларини ифодалашнинг вербал ва новербал воситалари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, маъноларни бир семантик майдонга фақат кесишиш ва қўшилиш муносабатлари бирлаштиради. Семантик омонимия эса турли майдонларга ажратади. Шунга кўра, кўп маъноли сўзларни майдоннинг мазмуний қурилиши, “тушунчалар қамрови” сифатида ўрганиш учун кесишиш ва қўшилиш муносабатлари муҳим роль ўйнайди, деб ёзади Ш.Искандарова [2].

Сўзнинг полисемияси, унинг асосий маъноси орқали аниқланади, чунки кўп маъноли сўз маъноларининг кесишишида ҳам, қўшилишида ҳам улар ҳосил қилган мазмуний майдон марказида доимо асосий маъно ётади ва унга қолган ҳамма маънолар бевосита ёки билвосита бўйсунади.

Изланишларимиз натижасида биз инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги “ҳурмат” семантик майдонини ифодаловчи тил воситаларини аниқладик.

Инглиз тилида:

I. Сўз орқали:

а) *от* орқали - honour, dear, Miss, Lord, Sir, Queen, esteem, Highness;

- regard, honour, recognition, esteem, appreciation, admiration, reverence, estimation, veneration, approbation: I have tremendous respect for him.

regard contempt, disregard, scorn, disdain, disrespect, irreverence;

- consideration, kindness, deference, friendliness, tact, thoughtfulness, solicitude, kindliness, considerateness: They should be treated with respect;

- particular, way, point, matter, sense, detail, feature, aspect, characteristic, facet: He’s simply wonderful in every respect;

кўпликдаги от шакли – greetings: He sends his respects to you;

- regards, compliments, good wishes, salutations, devoirs: He visited the hospital to pay his respects to her.

Одатда “respect” оти in (respect) of ёки with (respect) to каби предлоглар билан бирикиб келади: The system is not working ***in respect of*** training.

- respectability ва respectfulness ясама отлари ҳам ҳурматни ифода этувчи (номловчи) отлардир.

б) *феъл* орқали - respected:

- think highly of, value, regard, honour, recognize, appreciate, admire, esteem, adore, revere, reverence, look up to, defer to, venerate, set store by, have a good *or* high opinion of: I want him to respect me as a career woman;

- show consideration for, regard, notice, honour, observe, heed, attend to, pay attention to: Trying to respect her wishes, I said I’d leave;

- abide by, follow, observe, comply with, obey, heed, keep to, adhere to: It’s about time they respected the law.

в) *олмош* орқали - your; Yours, His, Her;

Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳурмат турли структур ва маъно имкониятларига эга феъллар билан ҳам ифодаланар экан. Лекин улар

ифода этган маъноларни to respect орқали ифода этилиши ҳам мумкин экан.

г*) сифат* орқали - respectable, respectful - having or showing respect, respective [-tiv]:

- having a good reputation or character: a respectable family;

- correct; acceptable: respectable behavior;

- (of clothes) good enough or suitable to wear: You can't go out in those torn trousers – they're not respectable;

- large, good etc enough; fairly large, good etc: Four goals is a respectable score.

д*) равиш* орқали - respectably, respectfully, respectively [-tiv-] - referring to each person or thing mentioned, in the order in which they are mentioned: Peter, James and John were first, second and third, respectively.

е*) предлог* орқали - respecting - about; concerning: Respecting your salary, we shall come to a decision later.

belonging to each person or thing mentioned: Peter and George went to their respective homes.

with respect to - about; concerning: With respect to your request, we regret that we are unable to assist you in this matter.

II. Сўз бирикмаси орқали:

Эгалик олмоши (Possessive pronoun+Noun) + от: Your Majesty, Your Royal Majesty, Her Britannic Majesty, Her Imperial Majesty, Her Majesty, Her Royal Majesty, His Majesty, His Imperial Majesty, His Royal Majesty, Your sincerely, My darling, My Lord, His Highness, Her Highness, Your Highness;

III. Гап орқали: God bless you!

IV. Фразеологик бирикмалар ва матнлар орқали:

"No, Your Gracious Majesty, no!" Stepan said in a determined tone. "I have been a shoemaker, a shoemaker I will remain…" "Perhaps you will stay at my court," the Tsar urged. "I'll let you have half of my palace…nay half of my kingdom!". "Excuse me, Your Majesty, but the air here is nothing like the air in the country". "I'll follow my lord and master," the Princess replied [9.58]

Ўзбек тилида ҳурмат маъносини қуйидаги тил бирликлари орқали ифодаланиши мумкинлигини аниқладик.

I. Сўз орқали: а) *от* орқали - жаноб, хоним, бек, тақсир, хўжайин, подшоҳим;

б) *сифат орқали* - ҳурматли, қадрли.

II. Сўз бирикмаси орқали: жаноби олийлари (олиялари), ҳазрати олийлари (олиялари), падари бузруквор, он ҳазратлари, хонимбека, бекотинлари, отинойи, улуғхўжамиз, волидаи муҳтарама;

III. Гап орқали: Худо ёрлақасин! Умрингиз зиёда бўлсин. Амрингизга мунтазирман, Жаноб![3.67]

IV. Фразеологик бирикмалар ва матнлар орқали ҳам ҳурмат ифодаланиши мумкин. Семантик вариантнинг юзага чиқиш шарти сўзлар синфига хос мазмуний ва шаклий белгилари билангина эмас, балки фразеологик бирикмалар билан ҳам берилиши мумкин. Вербал ва новербал тил воситалари ҳосил қилувчи семантик майдонларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг маънолари дифференциация қилиниши керак. Бу фарқланишнинг асосий воситаси матндир, деб ёзади Ш.Искандарова [2].

Матн турлари хилма-хил бўлиб, улар лексик, синтактик, услубий, ситуатив, ижтимоий, экстралингвистик, коммуникатив, махсус ва бошқалардир. Кўп маъноли сўзларнинг лексик-семантик вариантларини ажратишда мавзуий, иборавий тарздаги матнлар муҳим роль ўйнайди. Бу каби тил воситалари одатда, шахснинг касб-корига:

"Бобурнома" асарида эътиборли мансаб маъносида "қўрбеги" сўзи ишлатилган, яъни: - ***Қўрбеги***лик мансаби анда эди [3.81].

Обрў-эътиборига:

*- **Аъло ҳазратлари**ни ҳовлига кузатиб чиққан Али Қушчига устод гуё расадхона билан видолашгани келгандай туюлиб юраги зирқираб кетди*[4.121].

Жинсига (аёл, эркак ёки болалар) кўра фарқланади:

- Сенди ўрнидан туриб *қиролича*га юзланди. Менга ишора қилиб гапира кетди: – ***Ҳазрати олиялари***, у ижозат бермаяпти. Ўз буйруғингизни бекор қилинг...[9.98]

Шахснинг кундалик ўзаро вербал муомаласи, норасмий-шахсий ва оммага йўналтирилган нутқий мурожаатлари ва бошқа турли коммуникатив соҳаларда инглиз тили жуда кўп шаклларда намоён бўлмоқда. Унинг фақатгина нормаллашган адабий тил шаклларигина эмас, шу билан бирга вербал ва новербал мулоқотнинг нормаллик даражасига етиб ривожланмаган шакллари ҳам муомала воситаси сифатида хизмат кўрсатмоқдаки, улар ҳақида гапириб ўтмаслик мумкин эмас. Инглиз адабий тилининг сўзлашув нутқи сифатидаги ресурсларини, унинг структуравий-функционал томонларини таҳлил қилиш оғзаки нутқшуносликнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Булар жумласига одатда MESE (Modern Educated Southern English), SECE (Standard Educated Colloquial/ Informal English) киради. Cockney ёки Slang нутқи ёки Америка вариантида мавжуд бўлган SWE(Southern White English) ёки Black English (АҚШ қора танли сўзловчиларнинг сўзлашув тили)

га ва бошқаларни қиёсласак, улар адабий сўзлашув тили билан ностандарт сўзлашув тиллари ўртасида мавжуд бўлган катта бир гуруҳни ташкил этишини кўриш мумкин [13].

Агар инглиз ва ўзбек халқларида новербал саломлашиш орқали "ҳурмат" шаклини ифодалашини кўриб чиқсак, бу усул бир неча кўринишга эга эканлиги маълум бўлади. Булар: қўл қовуштириб туриш, қўлини кўксига қўйиб салом бериш, таъзим қилиб салом бериш, эгилиб салом бериш, икки қўллаб сўрашиш, бошини эгиб туриш, тик қарамаслик, орқада туриш, орқа билан чиқиб кетиш, орқасидан бориш ва бошқалар.

Одатда, ўзбек халқининг урф-одатларига кўра, эркаклар, маҳалла аҳли, масжид қавмлари билан биргаликда, кўпчилик бўлиб турли издихомларга кириб келадилар. Уларга имомлар, аҳли илмлар, ҳурматли қариялар йўлбошчилик қиладилар. Катта жамоатни бошлаб келаётган кишилар жуда зийрак ва ҳушёр кишилар бўладилар. Улар бундай катта йиғинларда сўрашиш ва саломлашиш одобини жуда яхши ўзлаштирган бўлиб, агар ўзлари кутиб олувчилар билан қўл бериб сўрашиб қўйсалар, орқадагилар ҳам беихтиёр шундай қилишлари, оқибатда келувчи ва кетувчилар маҳтал бўлиб қолишларини тажрибадан биладилар. Шунинг учун ўнг *қўлни кўксига қўйиб* масофада туриб кўз билан сўрашишни маъқул кўрадилар [10.100;11.54].

Қўлни кўксига қўйиб саломлашиш саломлашишнинг энг маъқул шаклларидан бўлиб, эркаклар ўртасида кенг тарқалган. Одам ўзига яқин, севган, ҳурмат қилган, меҳрибон, қадрдон, дўст кишисини учратганда, ўнг қўлини чап кўксига, яъни юрак устига қўйишидан келиб чиққан экан. Энг муҳими, бу новербал ҳолат астойдил (форсча-арабча: *аз тахи дил*), яъни "*чин юракдан*" деган маънони англатади. Саломлашишнинг бу шакли турли хил вазиятларда қўлланади. Жумладан:

- Кўча-кўйда таниш-билишни учратганда;
- Ҳурматли одамни кўрганда;
- Таниш бўлмаса ҳам кекса одам ёнидан ўтиб кетаётганда;
- Кўпчилик ўтирган йиғинга кирганда;
- Қўл бериб кўришиш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда (масалан, масофа узоқ бўлганда) ва ҳоказо.

Қиёсланаётган тилларда "ҳурмат" семантик майдонининг асосий функцияси нутқий муомаладир. Инглиз ва ўзбек тилларида ҳурматнинг сифат характеристикасини белгилаб берувчи қатор омиллар мавжуд бўлиб, улар бир неча доминант белгиларга умумлаштирилиши мумкин.

Инглиз тилида сўзловчининг жамиятдаги ижтимоий ўрнини нутқига қараб аниқлаш имкони бўлса, ўзбек тилида сўзловчининг нутқига қараб унинг ижтимоий табақаланиш даражасини билиб бўлмайди.

The happy Princess rushed towards Stepan who threw his arms round her. Then holding her in his embrace, Stepan spoke: "Darling, before we make arrangements for our wedding-party, allow me to turn to our gracious Tsar with my last request." [9.56]

"Ҳурмат" семантик майдонини ифодалашда сўзларнинг ишлатилишида тил нормаси томонидан чеклашлар сунъийроқ бўлиб, сўзловчига кенг имконият берадики, унда ёзма нутқда ишлатилиши бутунлай мумкин бўлмаган сўз ва ибораларнинг кенг қўлланилиши кузатилади [12.124].

"Do, please, my lord," the Princess agreed. "Make your request," the Tsar said. Stepan bowed and said: "Your Majesty, order the boots I made for your army to be brought here." [9.60]

Инглиз ва ўзбек тилларидаги "ҳурмат"ни ифодаловчи тил воситалари нутқий вазиятга кўра белгиланиши лозим экан.

Бизнинг фикримизча, "ҳурмат" семантик майдонининг санаб ўтилган белгилари тил тизимининг лингвопрагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини кўриб чиқишга ундайди. "Ҳурмат" семантик майдонининг бундай хусусиятлари унинг структур-семантик, миллий-маданий ва, айниқса, мулоқотда турли функцияларни бажаришида намоён бўлади.

Ҳозирги пайтда "ҳурмат" семантик майдонининг тил тизимида ўзига хос ўрин эгаллаши, муайян вазифани бажариши тадқиқотчилар томонидан эътироф этилмоқда. Луғавий бирликнинг асосий вазифаси номлаш бўлса, юқори босқичдаги бирликлар (гап, матн) асосан коммуникатив вазифани бажаради. Тилнинг кичик бирликлари айнан юқори босқичдаги йирикроқ кўринишдаги бирликлар таркибида турли релятив муносабатларга киришиб, шакл ва мазмун уйғунлигига эришган ҳолда, ўз функционал моҳиятларини намоён қилади. Сўз ва сўз бирикмалари гап ҳамда матн таркибида маълум бир денотатни ифодалаш билан бирга, аниқ ахборотни маълум қилиш мақсадида ўзаро алоқага киришади ва коммуникатив бирлик – коммуникемани яратиш жараёнининг иштирокчиларига айланади.

Хулоса қилиб айтганда, "ҳурмат" семантик майдонининг моҳияти унинг вербал ва новербал бирликларда ифодаланишига нисбатан тутадиган ўрни ва мавқеига мувофиқ ҳолда белгиланади. Бу эса унинг қатор лингвокультурологик жиҳатларини намоён этади.

Адабиётлар:

1. Зикриллаев Ғ.Н. Феълнинг шахс, сон ва ҳурмат категориялари системаси. -Т.,1990
2. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс макромайдони). Филол.фан..док... дисс.- Т., 1999
3. Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002
4. Ёқубов О. Улуғбек ҳазинаси.- Т., 1994
5. Қодирий А. Ўтган кунлар.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1994
6. Қодирий А. Меҳробдан чаён. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.1.- М.: Русский язык, 1981
8. Ғозиев Э. Муомала психологияси.- Т., 2001
9. Драйзер Т. Дженни Герхадт. - М., 1982
10. Нусруллахон ҳожи Абдуллахон ўғли. Таъзия одоблари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1993.- 12 март
11. Маҳмудов К. Меҳмоннома. - Т., 1988
12. Орлов Г.А. Современная английская речь. - М.:Высшая школа, 1992.
13. Tannen D 110-118 p. Spoken and written language. Lnd., 1983

2014 йил 20 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)